



**МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ  
ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

*Давлатова Сайёра Тошполатовна*  
*преподаватель Термезского института агротехнологий и инновационного  
развития*

---

*Аннотация: Мазкур мақола модернизациялаш тизими асосида талабаларда  
экологик хавфсизлик маънавиятни шакллантириш технологияларини ишлаб  
чиқиш ва уларни таълим тизимида жорий этишига бағишланган.*

*Калит сўзлар: талабалар, хавфсизлик стратегия, экологик тарбия, маданият,  
экологик маданият, ижтимоий, ривожланиш, таълим, тизим, мутахассис.*

**ОСНОВЫВАЯСЬ НА СИСТЕМЕ МОДЕРНИЗАЦИИ, ТЕХНОЛОГИИ  
ЭКОЛОГИЧЕСКОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ УЧАЩИХСЯ**

*Давлатова Сайёра Тошполатовна*  
*преподаватель Термезского института агротехнологий и инновационного  
развития*

---

*Аннотация: Данная статья посвящена разработке технологий  
формирования у студентов экологической безопасности духовности на основе  
системы модернизации и их внедрению в систему образования.*

*Ключевые слова: студенты, стратегия безопасности, экологическое  
образование, культура, экологическая культура, социальное, развитие,  
образование, система, эксперт.*

**BASED ON THE MODERNIZATION SYSTEM, STUDENTS'  
ENVIRONMENTAL REGULATION TECHNOLOGIES**

*Davlatova Sayyora Toshpolatovna*  
*teacher of the Termez Institute of Agrotechnology and Innovative Development*

---

*Abstract: This article is devoted to the development of technologies for the  
formation of environmental safety spirituality in students based on the modernization  
system and their introduction into the educational system.*

*Key words: students, security strategy, ecological education, culture, ecological  
culture, social, development, education, system, specialist.*

Экологик хавфсизлик маънавиятни куйидаги талабларнинг бўлишини тақозо этади: зарур ижтимоий-педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги; унинг психологик, педагогик, дидактик, акмеологик, аксиологик омиллари ўйланганлиги; замонавий технология, интерфаол методлар, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), анимацион тренажёрлар, реал ишлаб чиқариш вазиятларининг виртуал моделлари, ақли жиҳоз асбоблар, мультимедиа тизимларининг мавжудлиги [1]; унинг ахборот-техник, ахборот-коммуникация, дидактик таъминоти (ўқитувчи, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар, таълим мазмуни такомиллашуви, гносеологик, акмеологик ва аксиологик ёндашувлар, замонавий кўргазмали қурооллар) мавжудлиги; таълим шакллари (машгулот, амалий фаолият, тажриба, уни ўтказиш асбоблари ва хоналари, янги кўргазмали қурооллар, тезкор Интернет, дарсдан ташқари таълим

в.б.) мавжудлиги. Педагогик кадрнинг квалиметрик ва компетенцион сифатлари, маънавий-ахлоқий қадриятларининг ишланганлиги.

Экологик хавфсизлик маънавиятни шакллантиришда қўлланилаётган экологик таълим концепцияси, коррекцияси ва трансформацияси тақозо этилмоқда, унда куйидаги ўринларнинг кучайтирилиши ва киритилиши зарур:

Барча Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига “Экология” фани киритилган. Бироқ дарс соатларининг жуда камлигини, билимларнинг тарқоқ ва стихияли берилиши, уларнинг касбий, мутахассислик йўналишлар билан боғланмаганлиги, уларни экологик хавфсизлик маънавият тушунча доирасида яхлитлаштириш лозимлиги аниқланди. Махсус факультатив, фасилитацион машғулотлар экологик хавфсизлик маънавият учун ажратилмаган, ДТСда, дарслик, ўқув қўлланмаларида экологик хавфсизлик маънавият термини қўлланилган [2,3,4,5].


Таълимда модернизация – самарали, тез, сифатли, динамик тарзда амал қилишга қодир таълим жараёнини турли янги инновацион восита, усул, шакллар орқали таъминлашдир [6]. Модернизация аслида мамлакатимизда ижтимоий талаб бўлиб, жамиятимизнинг бугунги тараққиёти ҳар соҳада, жумладан таълимда ҳам туб ўзгаришларни тақозо этади. Таълим модернизацияси таълим жараёнини янгича тарзда, янгича шаклда, янги мазмунда ташкил қилиш, анъанавийликдан ноанъанавийликка ўтиш жараёнидир. Бироқ модернизациянинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари ҳам йўқ эмас.

Хўш, янгиланиш мазмуни нималарда ўзини намоён этади? Энг аввало, таълим мазмунини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини янгилашда, таълим захираларини компьютер-ахборот, янги коммуникация тизимларига ўтказишда, билим бериш технологияларини янгилашда, ўқитувчи ва талабанинг таълим жараёнига бўлган муносабатининг ўзгаришида в.б. [7,8,9,10]

Хўш, янгиланиш мазмуни нималарда ўзини намоён этади? Энг аввало, таълим мазмунини такомиллаштиришда, унинг моддий-техник базасини янгилашда, таълим захираларини компьютер-ахборот, янги коммуникация тизимларига ўтказишда, билим бериш технологияларини янгилашда, ўқитувчи ва талабанинг таълим жараёнига бўлган муносабатининг ўзгаришида в.б. [11,12,13] Таълимда модернизация – тизимнинг ўзини, таълим мазмуни, унинг методлари, шарт-шароитлар, таълим воситалари ва турлари каби масалалар мажмуини қамраб олади (1-расм).

Экологик хавфсизлик маънавият бўйича техник таълим модернизацияси куйидаги амалларни ўз мазмунига қамраб олади: моддий-техник базани капитал реконструкция қилиш ва таъмирлаш, янги замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш; экологик хавфсизлик бўйича янги мутахассисликлар реестрини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги мутахассисликлар бўйича таълимни жорий этиш, улар учун ўқув дастурлари, ДТС ва уларни таълим амалиётига жорий этишнинг истиқбол режа-дастурларини ишлаб чиқиш; замонавий таълим таъминотини вужудга келтириш, хусусан, ўқув-лаборатория, компьютер техникалари ва ўқув дастурлари, дарслик, ўқув методик адабиётлар билан қуроллантириш, улар мазмунини такомиллаштириш ва шаклини замонавийлаштириш; замонавий педагогик инновацияларни эгаллаган, юксак компетенцияли, экологик таълим ривожланиш тенденцияларини англаган, хавфсизлик квалификациясига эга, рақобатбардош педагогик кадрлар билан педагогик жараёни таъминлаш,

мамлакатимиз экологик муаммоли ҳудудларида ишлаб чиқаришда ва педагогик малакаларини ўстириш, кадрларни қайта тайёрлашни жадаллаштириш; ўқув режалари ва дастурлардаги фанлар мазмунини экологик хавфсизлик маънавий нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш ва замонавий талаб даражасига кўтариш [14].



**1-расм. Экологик хавфсизлик маънавиятини шакллантириш модернизацияси.**

Экологик хавфсизлик маънавиятни шакллантиришда Ўзбекистондаги бир компонентли таълим тизимидан (Экология фани), кўп компонентли таълим тизимига (экологик хавфсизлик маънавиятга оид махсус фанлар, экологияга оид янги фанлар, факультетлар, махсус таълим муассасалари) ўтиш тавсия этилади [10,12,14].

Айни мана шундай кўп компонентли таълим жараёни талабанинг экологик хавфсизлик маънавиятга эга бўлиб шаклланишини таъминлаб беради. Экологик хавфсизлик маънавият бўйича техник таълим мазмунини илмий-техник ривожланиш билан мувофиқ равишда доимий такомиллаштириб бориш; техник таълимда замонавий квалиметрик ва компетацион назоратни жорий этиш; педагог-кадрларнинг квалификацион компетенциясини таъминлаш; педагогларнинг инновацион дидактик таъминотини, АКТлари, интерфаол шакл, йўл, восита, методларни, реал ишлаб чиқариш вазиятларнинг виртуал моделлари, анимацион тренажерлар, ақлли жиҳоз-асбоблар ва мультимедиа тизимларини билишларини таъминлаш; таълим мазмунини такомиллаштириш учун унинг илмий-назарий ва техник-муҳандислик таъминотини таъминлаш зарур [7,8,9,10]. Бинобарин, нефть ва газ, кончилик иши, механика машинасозлик

ва энергетика йўналишидаги кадрларетуклигини кўрсатувчи бош мезон – уларнинг экологик хавфсизлик маънавиятга эгалигидир.

Хулоса ўрнида шуни каъкидлаб ўтиш жойизки, соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлашда долзарблик касб этаётган талаб бугунги техноген катастрофаларга тайёрлик эмас, балки келажакда вужудга келиши мумкин бўлган экокатофаларнинг олдини олувчи тизимларни ишга тушириш, экокатофаларни излаш ва уларга нисбатан превентив тизимларни яратишдир. Замонавий талаб келажакда вужудга келиши мумкин бўлган экологик катастрофаларга қараши шундай инсоний, техник восита ва қуролларни, тамойил, тузилма ва тизимларни жорий этиш зарурки, улар кадрлар тайёрлаш жараёнининг ўзида экологик хавфсизлик маънавият компетенциясини шакллантириб бериши керак.

Адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Т.; “Адолат” 2018,27-бет.

Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: “Ўзбекистон ” НМИУ, 1-жилд. 2018. 570 – бет. 8. Х.Хайдаров. Ислохотлар қонунияти. Т.: “O'zbekiston”, 2010.7-8-бетлар

Зверев И. Д. Экология в школьном образовании. –М.: Знание, 1988. -96 с.

Зиёмухаммедов Б. Экология ва маънавият. –Тошкент: Меҳнат, 1997. -104 б.

Каримов Ю. Олий таълим муассасалари талабаларига экологик таълим беришнинг назарий асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -116 б.

Маркович Д. Ж. Социальная экология. –М.: РУДН, 1997. -436 с.

Махмудов Ю. Ф. Экологиядан маълумотнома. –Тошкент: Фан, 1997. -40 б.

Турдикулов Э. О. Физика ва экологик таълим. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. -228 б.

Жўраев Й. О., Ғуломов М. Х. Экология: жиноят ва жазо. –Тошкент: Ўзбекистон, 1990.

Шодиметов Ю. Ш. Региональные проблемы социальной экологии. – Ташкент: Узбекистан, 1992. -110 с.

Чингиз Айматов, Мухтор Шохонов. Чўққида қолган овчининг охи зори.” Zabajad Media”. Тошкент, 2019. 282 - бет.

С.Мамашакиров. Вахимами ёки ҳақиқат. Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2012, 61- бет. 4. Эммануэл Макрон. Революция.Тошкент,: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.70 – бет. 5. Шермухамедова. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005, 266-бет. 6

Хашимова И. Диалектика глобального, региального и локального в экологии. Автореферат дисс. На соискание ученой степени док. Филос. Наук Т., 1992, С.36.

Qodirov B.E. “Development of basic Competencies of students in crafts in technology lessons” // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020, Part.